

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯЛАРИ

Тошкент – 2022

УЎК 342(100)
КБК 67.400.1(0)
Ж 37

Ж 37 Жаҳон конституциялари / Масъул муҳаррир, сўз боши ва Конституцияларга кириш сўзи муаллифи А.Х.Саидов. — Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2022. — 698 бет.

**Масъул муҳаррир, сўз боши
ва Конституцияларга кириш сўзи муаллифи:**
А.Х. Саидов,
академик, ю.ф.д., профессор

Таҳрир ҳайъати:

А.Х. Саидов, академик, ю.ф.д, профессор
М.А. Тиллабаев, ю.ф.д, профессор
М.Т. Турғунов, ю.ф.д, катта илмий ходим
А.А. Туляганов, ю.ф.д, профессор
М.Ш. Усмонов, ф.ф.д, катта илмий ходим

Таржимонлар: Э.Эрназаров (Италия, Польша, Чехия, Словакия, Япония), Ҳ.М.Турсунов (АҚШ), Р.Султонов, Ш.Султонова (Германия), У.Мақсудов (Саудия Арабистони), А.Юнусов (Иордания), Л.Исоқов (Франция) М. Аҳмедов (Буюк Британия).

Мазкур нашр Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг Илмий-мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2022 йил 24 июндаги 7-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

УЎК 342(100)
КБК 67.400.1(0)

ISBN: 978-9943-4309-3-8

МУНДАРИЖА

“Жаҳон конституциялари лабораторияси”дан лавҳалар	4
Америка Қўшма Штатлари	39
Буюк Британия	85
Германия	115
Иордания	245
Италия	284
Польша	345
Саудия Арабистони	441
Словакия	461
Франция	534
Чехия	603
Япония	655

“ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯЛАРИ ЛАБОРАТОРИЯСИ”ДАН ЛАВҲАЛАР

Замонавий конституциявий ислохотлар

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ўзаро боғлиқ ва моҳиятан бир-бирини тақозо этувчи туб демократик сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-ҳуқуқий ислохотлар жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг тараққиёт стратегиясида белгиланган халқпарвар ва ижтимоий давлатни барпо этиш, инсон қадр-қиммати, ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини янада самарали таъминлаш каби кенг қўламли вазифалар, мамлакатимиздаги туб ислохотларга мос янги конституциявий-ҳуқуқий маконни яратиш ва те-гишли конституциявий ислохотларни амалга ошириш заруратини юзага келтирмоқда. Зеро, ҳар қандай демократик ислохотлар мустаҳкам конституциявий-ҳуқуқий асосга эга бўлсагина бардавом бўлади ҳамда кўзланган эзгу мақсадга ва улўғвор вазифаларга, самарали натижаларга эришади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **Шавкат Мирзиёев** 2022 йилнинг июнь ойида Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда **Янгиланган Конституция мамлакатимизнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юртимиз ва халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратиши лозим** эканини алоҳида таъкидлаб ўтган.

Бугун Ўзбекистонимиз ўз Конституциясини такомиллаштириш бўйича ғоят масъулиятли босқичга қадам қўймоқда. Конституция ва қонун устун бўлган самарали ва барқарор тизимни шакллантирмоқда. Демак, миллий ва жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда келажак тараққиётимизни белгилаб берадиган асосий қонунимизни такомиллаштиришни замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

Ҳозирда “**дунё конституциялари харитасида**” 500 дан ортиқ амалдаги бош Қомус мавжуд бўлиб, улардан 200 га яқини – мустақил давлатлар, 300 дан ортиғи – федерациялар субъектларига тегишли.

Қолаверса, қадимги тарих саҳифаларини варақласак, дунёда биринчи конституция – Шумер шоҳи Ур-Наммунинг Қонунлар тўплами – бундан 4 минг йил илгари яратилганлигининг гувоҳи бўламиз. Дунёнинг энг қадимги ёзма конституцияси, деб ҳисобланган мазкур қомусий тўплам сопол пешлавҳачаларда сақланиб қолган.

Жаҳон тажрибасини синчиклаб таҳлил қилар эканмиз, бугун дунёда ҳеч бир давлатнинг Конституцияси илк бор қабул қилинган таҳрирда сақланиб қолмаганига гувоҳ бўламиз. Биргина ХХI асрда дунёнинг 90 га яқин давлатида конституциявий ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилди, 57 та давлатда кескин баҳс-мунозаралардан сўнг янги қомус қабул қилинган.

Конституция ақида (догма) эмас, балки изчил ҳаракатлар ва барқарор тараққиёт дастуридир. Тузатиш, ўзгартириш киритиш барча конституцияларнинг фундаментал хусусиятидир. Негаки, глобаллашув, рақамлаштириш, иқлим ўзгариши ва жадал ўзгариб бораётган ҳаёт талабларига мувофиқ жамиятни янада модернизация қилиш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида янги ва янги ечимини кечиктириб бўлмайдиган, ўта долзарб вазифаларни қўймоқда. Жамият тарихий ривожланишининг барча босқичларида бирдек хизмат қиладиган конституция матнни абадий яратиш қўя олмайди, зеро конституция матнига киритиладиган тайёр қолиплар ҳам мавжуд эмас.

Шундай қилиб, ХХ асрнинг охириги ўн йиллиги ва ХХI асрнинг боши дунё ҳуқуқшунослиги тарихига жаҳон ҳамжамияти вакиллариинг конституциявий тузумида конституциявий ислоҳотларнинг янги сифат босқичига чиқиши, конституциявий дунёқарашда сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар даври сифатида киради. Хусусан, сўнгги 30 йил ичида дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатида конституциявий ислоҳотлар амалга оширилди, 57 давлатда янги конституция қабул қилинди.

Эътиборлиси, конституцияга энг кўп ўзгартириш ва қўшимчалар киритган давлатлар ўнталигида **Мексика, Янги Зеландия, Бразилия, Швейцария, Австрия, Исроил, Чили, Колумбия, Грузия ва Ҳиндистон** каби давлатлари бор. Бунда, конституциявий ислоҳотларнинг аксарияти давлат ва жамиятни модернизация қилиш ёхуд сиёсий, иқтисодий ёки ижтимоий инқирозларни ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш доирасида амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда халқаро ҳамжамиятда дастлабки таҳририни сақлаб қолган конституциялар деярли қолмаган. Ҳозирги кунда бир неча юз йил аввал қабул қилинган конституциялар – **АҚШда** 27 та туб ўзгартиришлар, **Норвегияда** – 200 мартадан ортиқ (бунда Бош қомус моддаларидан тахминан 1/3 қисмигина ўзининг дастлабки кўринишида қолган), **Голландияда** – 24 марта (бирок, 1983 йилда унинг матни пухталики билан модернизация қилиниши натижасида ундаги деярли барча моддалар ўзгарган) ўзгартириш киритилган.

Замонавий глобаллашув шароитида бутун дунё мамлакатлари жадал тарзда конституциявий ривожланишнинг ўз моделини изламоқда. Шу билан бирга, Конституция давлатнинг сиёсий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Бунда, конституциявий тамойиллар қуйидагиларни кўзда тутати:

биринчидан, инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини кенгайтириш – **Шахс конституцияси**;

иккинчидан, “жамоат ҳуқуқлари”, “умумжамият ҳуқуқлари”нинг ҳимоясини мустаҳкамлаш, яъни фуқаролик жамияти институтларини мувофиқлаштириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш – **Жамият конституцияси**;

учинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимини ташкиллаштириш; бевосита демократия шакллари билан уйғунлашган вакиллик демократиясини (сайловлар, референдумлар, умумхалқ муҳокамалари) такомиллаштириш; ҳокимият ваколатларини тақсимлаш, шу жумладан, қонунчилик ва ижроия ҳокимияти ўртасидаги ўзаро назорат ва мувозанатни сақлаш ҳамда суд органлари мустақиллиги тамойилини қўллаш; мансабдор шахсларнинг масъулияти ва ҳисобдорлигини янада ошириш – **Давлат конституцияси**.

Конституциявий ислохот ҳозирги ва келажак барқарор ривожланишнинг зарур юридик заминидир. Хусусан, у ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро назорат ва мувозанатни сақлаш тизимини мустаҳкамлашга, ҳисобдорлик, шаффофлик, иштирок ва келажакни кўра билишни оширишга кўмаклашувчи конституциявий “қоидалар”ни ўзгартириш йўли билан, “самарали бошқарув”нинг ҳаётий аҳамиятга эга инструменти бўлиши мумкин.

Бошқарувнинг сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгаришлар сиёсий тизим барқарорлигига имкон беради, бу, ўз навбатида, иқтисодиёт учун фойдали бўлиб, инвестиция ва тараққиёт учун барқарор замин яратди.

Дунёдаги конституциявий ўзгаришларни ўрганиш ўзига хос жиҳатни – давлат Бош қомусини замон талабларига мослаштириш, унинг вужудга келаётган даъватларга жавоб бериш қобилятини ошириш заруратини намоён қилмоқда.

Дунёда замонавий конституциявий ривожланишнинг устувор тенденциялари қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

- конституциявий ислохотларнинг тизимлилиги. Улар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва гуманитар соҳалар, шунингдек конституциявий ислохотлар билан модернизация жараёнларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро шартланганлиги;
- конституциявий тартибга солишнинг кенгайиши, давлат ҳокимияти механизмини ислоҳ қилиш ва бошқарув шаклини ўзгартириш;
- конституциявий кўлам соҳасини ривожлантириш, ҳуқуқий суверенитетни мустаҳкамлаш ва давлат конституциявий ўзига хослигини белгилаш;
- инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг суд томонидан самарали ҳимоясини ошириш, конституциявий одил судлов ваколатини кенгайтириш, фуқароларга Конституциявий судга бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш;
- конституциявий ҳуқуқ ижодкорлигининг глобаллашуви, дунё давлатларининг конституцияларида халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойил ва нормаларини акс эттириш;
- давлат ва жамиятнинг конституциявий ривожланишини экологиялаштириш, сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш тамойилини амалга ошириш;
- рақамли ҳуқуқларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ахборот жамиятини институтлаштириш, киберхавфсизликни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш.

Янги Ўзбекистон: конституциявий ислохот йўлида

Ўзбекистон конституциявий ислохотларни амалга оширишда катта тажрибага эга. Жумладан, Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш доирасида Конституциямизнинг 21 та моддасига 9 маротаба 32 та ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, улар Парламент, Президент ва Ҳукумат фаолиятига, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва ривожланишига, ҳокимият тармоқлари ўртасида

ўзаро назорат ва мувозанатни сақлаш тизимига, сайлов тизимини демократлаштириш ва маҳаллага тегишли бўлган.

Конституциявий тузум, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларни тубдан ривожлантириш, Янги Ўзбекистонни бунёд этиш, эркин ва одил фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ўзаро боғлиқ ва ўзаро шартланган демократик сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чуқур ислохотларни конституциявий таъминлашга алоҳида эътибор берилган.

Шу билан бирга, глобаллаштириш, рақамлаштириш, иқлим ўзгариши даври ва жадаллик билан ўзгариб бораётган ҳаётий воқелик мамлакатни янада модернизация қилиш, тинчлик, барқарорлик ва миллий мустақилликни мустаҳкамлаш бўйича ўта муҳим ва долзарб бўлган янги, кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўймоқда.

Шу тариқа, Ўзбекистоннинг конституциявий тараққиёти умумжаҳон конституциявий ислохотлар йўлидан кетмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ш.М. Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”¹ фундаментал муаллифлик китобида демократик ислохотларни янги сифат босқичига олиб чиқувчи, миллий ва умуминсоний қадриятлар, барқарор ривожланиш тамойилларига асосланган, шунингдек қонунчилик ва ҳуқуқни англаш ҳамда қўллаш тизимини янада такомиллаштириш, жамиятда “инсон қадри ва ҳуқуқи маданиятини” шакллантиришга йўналтирилган янада жиддий вазифалар қўйилган.

Аввало, бу **“Инсон қадри учун”** устувор тамойилини ҳаётга татбиқ этишга тегишлидир. Бунда инсон қадри – мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун тинч ва хавфсиз ҳаётни, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг босқичма-босқич яратилишини, малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда соғлом экологик муҳит таъминланишини англатади.

Конституциявий ислохотларнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгиланган:

Биринчидан, аввал амал қилган “давлат – жамият – инсон” парадигмасини янги **“инсон – жамият – давлат”** парадигмасига ўзгартириб, конституциявий қонунчилик ва конституциявий амалиётда мустаҳкамлаш;

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021 – 464 б.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ

ЖАҲОН КОНСТИТУЦИЯЛАРИ

Нашр учун масъул	М. Тиллабаев
Муҳаррирлар	М. Пальнова, Л. Рузикулова
Мусахҳиҳ	М.Хасанова
Компьютерда саҳифаловчи	А. Жуманиязов

Босишга 2022 йил 20 сентябрда рухсат этилди.
Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$.
«PT Serif» гарнитурасида офсет усулда босилди.
Шартли босма табағи 36,2. Нашр табағи 35,1.
Адади 100 нусха. Буюртма № .